

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 ноябр куни Оксаройда Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Доналд Рамсфелдни қабул қилди.

Учрашувда минтақадаги ҳарбий-сиёсий ҳолат, хусусан, Афғонистондаги вазият, у ерда амалга оширилаётган аксилтеррор операцияси, шунингдек, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎЗА)



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 6 ноябр, сешанба № 173 (1187)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЭЗГУ ФИКР, ЭЗГУ СЎЗ ВА ЭЗГУ АМАЛНИ УЛУҒЛАГАН КИТОБ

3 ноябр куни Урганчда «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Кутлуғ кунларимизнинг шуқуҳидан далолат бўлган ушбу байрамга тайёргарлик жараёнининг ўзи ҳам ҳаққимиз табиатига хос байрамона тарзда олиб борилди. Ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими эса бу байрамнинг энг юқори чўққиси бўлди. Шодиёнага ташриф буюрган одамларнинг кайфияти, улар чехрасида намоён бўлиб турган кўтаринки руҳдан бугунги кунимизга шуқуҳоналик туйғуларини сезиш қийин эмас.

Бундан қарийб уч минг йил илгари яратилган «Авесто» яхшилик ва ёмонлик, раҳмдиллик ва ёвузлик, билим ва жаҳолатнинг инсоният тараққиётидаги ўрнини кўрсатиб берган буюк китобдир. У халқимиз илдиэлари, давлатчилигимиз асослари қадим тарихга бориб тақалишидан, аждодларимизнинг юксак маънавиятидан далолат беради. Давлатчилик раҳбари таъкидлаганидек, ушбу нодир китоб айна замонда бу қадим ўлкада, бугун қадимиз яшаб турган тупроқда буюк давлат, буюк маданият, буюк маънавият бўлганидан гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий ҳужжат ҳисобланади.

«Авесто» «Ҳаёт йўриқномаси» деган маънони беради. Ҳақиқатан ҳам, минг йиллар давомида бу китоб инсон ҳаёт тарзининг ўзига хос йўриқномаси бўлиб келган. У кишиларни эзгуликка, яхшиликка, бунёдкорликка, илм олишга чорлаган, ёвуз кучларга, жаҳолат ва ёмонликка қарши курашишга даъват этган. Бу китобни башарият тарихида жуда катта ўрин тутган энг қадимий ёзма ёдгорликлар қаторида кўрсатиш мумкин. Инсоннинг жамиятдаги ўрни, ахлоқий-фалсафий қарашлари, давлатчилик асосларини бир тизимга солиш нуктаи назаридан олиб қараганда «Авесто» қиёси йўқ

асардир. «Авесто» инсоният тараққиётида муҳим ўрин тутувчи китоблардан бири ҳисобланади. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ЮНЕСКО томонидан ушбу китоб яратилганининг 2700 йиллигини кенг миқёсда нишонлаш тўғрисида махсус қарорлар қабул қилинган бугунги кунда ҳам «Авесто» башарият маънавий-маданий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолаётганидан далолат беради. «Авесто»да айтилган кўпгина фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти ҳозир ҳам беқиёсдир. Масалан, уй қур, бунёдкорлик, унинг қиради, дейилади ушбу китобда. Шунингдек, меҳнат билан ҳалол кун кўриш, жамиятнинг асоси саналмиш оиланинг муқаддаслиги билан боғлиқ тушунчалар китобда батафсил асослаб берилган.

«Авесто» неча-неча асрлик бўхронлардан ўтиб бугунги кунимизгача етиб келди. Унда баён этилган илмий ва ҳаётий тушунча-тасавурлар нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё илму фани ва фалсафаси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Президентимиз айтиганидек, шу маънода Урганчдаги тантаналар фақат Ўзбекистон халқининг эмас, башарият мулкига айланган кетган «Авесто» китобини минг йиллар давомида авайлаб-асраган, ўқиб-ўрганган, унинг олижаноб ғояларига амал қилиб, уларни мағрибу машриққа ташвиқ этиб келётган барча халқларнинг ҳам байрамидир.

Сўнгги йилларда олимларимиз, тадқиқотчиларимиз «Авесто»ни, ундаги бебаҳо фикр-мулоҳазаларни ўрганиш борасида самарали илмий излашлар олиб борди. Бу излашларнинг нати-

(Давоми 2-бетда)



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «АВЕСТО» КИТОБИНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ БАРПО ЭТИЛГАН ЁДГОРЛИК МАЖМУИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадри ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар! Аввало, қўхна Хоразм диёрида, дунё маданиятининг ноёб дурдонаси бўлмиш «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида сиз, азизлар билан кўришиб турган

нимдан гоёт мамнун эканимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар. Узининг бой ўтмиши, бетакрор маданияти, ўлмас қадриятлари, меъморий обидалари билан бутун оламда шухрат қозонган Хоразм замини кўплат буюк воқеалар, кутлуғ байрам ва шодиёналарнинг гувоҳи

бўлган. Бугун биз барчамиз иштирок этаётган ушбу тантанали маросим ҳам қадимий Хоразм тарихи, Ватанимиз тарихи шонли саҳифаларга нечоғли бой эканидан яна бир бор далолат беради. Хурмати дўстлар! «Авесто», яъни «Ҳаёт йўриқномаси» деб атал-

ган бу муаззам китоб хусусида сўз юритар эканмиз, аввало, унинг тарихи, бу мумтоз асарнинг аҳамияти, нима учун биз унга бу қадар катта эътибор бераётганимиз ҳақида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Аввало, қадим-қадимда, яъни бундан 30 аср муқаддам мана шу мўътабар заминда яшаган аждодларимизнинг ақл-заковати ва қалб қўри билан яратилган, ўн икки минг терига тилла суви билан битилган бу ноёб тарихий ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанча-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам.

Ушбу нодир китоб айна замонда бу қадим ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда буюк давлат, буюк маданият, буюк маънавият бўлганидан гувоҳлик берувчи бе-

галда мана шу нодир китобни йўқ қилишга, шу йўл билан халқни ўз тарихи ва хотирасидан жудо этиб, унинг ирода-сини синдиришга урингани бежиз эмас.

Бу қадимий ўлкаларга юриш қилган Александр Македонский ўттиз икки китобдан иборат бўлган ушбу улкан асарнинг асл нусхасини Юнонистонга юбориб, унинг тиббиёт, астрономия, фалсафага оид бобларини алоҳида кўчиртириб олгани, қолган қисмларини эса ён-дириб ташлагани ҳам шундан далолат беради.

Айтиш мумкинки, шу тариха «Авесто»да баён этилган илмий ва ҳаётий тушунча-тасавурлар нафақат Марказий Осиё ва Юнонистон, балки бутун Ғарб илму фани ва фалсафаси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган.

Шу маънода, бугунги маросим, бугунги танта-

Муҳтарам дўстлар!

Бу дунёда одам зоти бор экан, ҳеч шубҳасиз, у ўз аждодларининг олис кечмиши, турмуш тарзи, урф-одатлари, уларнинг қандай ҳис-туйғулар билан яшаганига қизиқиши, бу ҳақда тасаввурга эга бўлишга интилиши табиий, албатта.

Шу нуктаи назардан қараганда, биз «Авесто» китобини бугунги кун учун ҳам ниҳоятда қимматли бўлган ана шундай нодир маълумотлар манбаи, деб тўла ишонч билан айта оламиз.

Айниқса, бу китоб аждодларимизнинг табиатга, еру сувга, қуёш ва ҳавога бўлган илоҳий муносабатини, ота-она ва фарзандга меҳр-оқибатини, уларнинг муқаддас тушунчаларини, ўз ерини қимлардан, қандай хавфу хатарлардан ҳимоя қилиб, жамоа бўлиб яшаганини - барча-барчасини мукаммал ёритиб бергани билан қимматлидир.

«Авесто» билан яқиндан танишар эканмиз, яна бир қарра шунга иқдор бўлаемизки, бу мангу китобда ифода этилган буюк ғоялар, фалсафий ҳикматлар ўзининг ҳаётий мазмуни билан бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиради.

Бу ҳақда гапирганда, мен, аввало, «Авесто»нинг туб маъно-моҳиятини белгиллаб беради-

(Давоми 2-бетда)

АФҒОНИСТОНГА ЁРДАМ

БМТнинг Болалар жағмармаси (ЮНИСЕФ) томонидан Афғонистондаги оч-наҳор болаларга ёрдам сифатида юборилган навбатдаги юк Даниядан Термиз аэропортига етказиб келинди. Самолёт жами 39 тонна турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келди. Бу маҳсулотлар ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Руди Родригеснинг иштироки ҳамда кўплат хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари гувоҳлигида Термиз дарёи порти орқали нариги соҳилга ўтказилади.

ОКСАНАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Белгиянинг Гент шаҳрида бўлиб ўтган спорт гимнастикаси бўйича 35-жаҳон чемпионатида иштирок этган юрtdошимиз Оксана Чусовитина таяниб сакраш мусобақасида кумуш медалга сазовор бўлди. Мутахассислар фикрича, Чусовитинанинг кумуш медали Оксана жаҳоннинг энг истеъдодли гимнастикачилардан бири эканлигини яна бир бор исботлади. (ЎЗА)

Огоҳлик

«Ўз уйининг ўзинг асра!» қалимаси бугун ҳар бир шаҳарда, қишлоқда, ҳар бир корхонада, хўжалиқда алоҳида мазмун-моҳият касб этмоқда. Чунки, Юртбошимизнинг юқоридаги сўзлари чуқур маънога эга бўлиб, халқаро терроризмга қарши кураш авжига чиқаётган айна кунларда ҳар бир юрtdошимиз мазкур сазй-ҳаракатга амал қилиб, ўз маҳалладошлари, ҳамқишлоқлари, юрtdошларини тасодифий ҳодисалардан сақлаш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар. Тошкент вилоятидаги Пискент тумани ҳам ана шундай ҳудудлар сирасига қиради.

ҚАТОРДА ПОСБОНИНГ БЎЛСА...

Ушбу туманнинг одамларга Президентимизнинг огоҳлик даъват этувчи йўл-йўриқ ва кўрсатмалари, халқаро терроризм ва ақидапараст диний оқимларнинг зарари, мудҳиш фожеалари ҳақида ҳикоя қилувчи суҳбатлар ўтказилмоқда. Масалан, яқинда 29-мактабда ана шундай йиғин бўлиб ўтди. Унда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳабибулла Зокиров маъруза килди. Навоий номили маҳалладаги йиғилишда эса «Тинчлик учун курашиш керак!» мавзусида қизгин мулоқот бўлди. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси С.Аҳоров, имом-хатиб А.Маликов ва бошқалар сўзга чиқиб, осойишталикни сақлаш учун нималар қилиш лозимли-

ги тўғрисида фикр алмашдилар. «Пахта-Банк»нинг туман бўлимидаги тадбирда сўзга чиққанлар тинчликни асраш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун ҳар биримиз сўзда эмас амалда ҳаракат қилишимиз кераклиги

гара пости ташкил этилган. Улар ўзларига тегишли ҳудудларда ўта хушёрлик ва матонат кўрсатиб ишонччи оқламоқдалар. Хўжаликларга келиб-кетувчилар, вақтинчалик иш топмай юрган ёшлар алоҳида назоратда туради. Масалан, жорий йилнинг ўтган ойларида мингдан зиёд ёшлар туман меҳнат бўлимига тақлиф этилди. Улардан 838 нафари иш изловчилар сифатида рўйхатга олинди. 439 киши эса иш билан таъминланди. 25 кишига ўқишга йўлланма берилди, 184 нафар одам жамоат ишларига жалб этилди.

Юқорида айтганимиздек, ТИНЧЛИК деган бебаҳо неъматни авайлаб-асраш учун туманнинг деярли барча ерларида самара келтирадиган ҳамма имкониятлар ишга солинмоқда. Булардан мақсад огоҳликни, сергакликни янада ошириш, жойларда осойишталик ва хотиржамлик таъминини мустаҳкам қарор топтиришдир.

«Қирққизобод», «Ўзбекистон мустақиллиги», Навоий номили хўжаликлар ҳақида алоҳида гапирш мумкин. Бу жойларда олтига че-

қилишимиз кераклиги таъминланди. 25 кишига ўқишга йўлланма берилди, 184 нафар одам жамоат ишларига жалб этилди. Юқорида айтганимиздек, ТИНЧЛИК деган бебаҳо неъматни авайлаб-асраш учун туманнинг деярли барча ерларида самара келтирадиган ҳамма имкониятлар ишга солинмоқда. Булардан мақсад огоҳликни, сергакликни янада ошириш, жойларда осойишталик ва хотиржамлик таъминини мустаҳкам қарор топтиришдир.

«Қирққизобод», «Ўзбекистон мустақиллиги», Навоий номили хўжаликлар ҳақида алоҳида гапирш мумкин. Бу жойларда олтига че-

ИСОК ЮНУСОВ, Пискент тумани фавқулодди вазиятлар бўлими мудир.

САМАРҚАНД ШОДИЁНАЛАР ОҒУШИДА

1996 йили Президентимиз Ислам Каримов 18 октябрни «Самарқанд шаҳри куни» деб эълон қилган эди. Мана беш йилдирки, ушбу сана шаҳарда кенг нишонланади. Бу йил шодиёналар шаҳарда ўтказилган ободонлаштириш ойланининг ниҳоясида - 4 ноябрда нишонланди. Шу куни эрта тонгдан Самарқанд узра қарнай-сурнай наволари янгради. Самарқанд ахли сайлга чиқди. Бибиҳоним мажмуида бошланган байрам тантаналари «Университет хиёбони»га кўчди. Вилоят ҳамда шаҳар ҳокимликлари, жамоатчилик вакиллари соҳибқирон Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди. Самарқанд шаҳридаги Боғишамол, Сиёб, Темирийўл туманларида оммавий халқ сайли ташкил этилди. Мактаб ва болалар боғчаларида, театр ва стадионларда қизилқарий байрам дастурлари ташкил қилинди. Меҳрибонлик уйларида ҳомий ташкилотлар томонидан хайрия тадбирлари бўлиб ўтди. (ЎЗА)

Савабли ишдан четда қолманг

МУРУВВАТ

Навоий туман ижтимоий таъминот бўлими яқинда 300 нафар яқка-ёлғиз, кекса нафақахўрлар ва 16 ёшгача болаликдан ногиронларга АҚШнинг «Камутерпарт-Энтернешнл» фирмаси томонидан инсонпарварлик ёрдами сифатида юборилган кўйлақлар тарқатилди. Туманда 8465 нафар нафақахўр ва ногиронлар давлатимиз мададини ҳамиша хис қилиб турибди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 2 кишига ногиронлик аравачаси, 4 нафар киши эшитиш мосламаси, 66 кишига эса турли шифо масканлари йўлланмалар берилди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан 35 нафар ногирон болаларга Қизил ярим ой жамиятининг совгалари топширилди ва уларнинг ҳар бири ҳисоб рақамига минг сўмдан омонот пули кўйилди. Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

ЭЗГУ ФИКР, ЭЗГУ СЎЗ ВА ЭЗГУ АМАЛНИ УЛУҒЛАГАН КИТОБ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «АВЕСТО» КИТОБИНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ БАРПО ЭТИЛГАН ЁДГОРЛИК МАЖМУИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Боши 1-бетда)

ган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мухтасар қилиб айтганда, агар инсоннинг мақсади, фикри эзгу бўлса, сўзи самимий ва ҳаққоний бўлса, ҳаракат ва интилишлари изчил ва қатъий бўлса, ҳар бир ишининг натижаси хайрли бўлиши муқаррар, дея талқин қилинади «Авесто»да.

Собиржон Махмудов - Хива шаҳри «Сангар» фуқаролар йигини раиси:

- Урганчада ўтаётган байрам тантаналари юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сураётганини кўрсатиб турибди. Халқимиз бунёдкорлик, яратувчанлик, тинч ҳаёт йўлидан оғишмай бораверади. Чунки бизнинг тарихий илдиэларимиз бақувват, элимизнинг ўз осойишталигини сақлашга бўлган матонати мустаҳкам.

Бундай шукроналик сўзларини тантана ишторкчиларининг ҳар биридан, қолаверса, барча юртдошларимиздан эшитиш мумкин. Бинобарин, тинчлик, осойишталик мавжуд бўлган юртгагина тўптомоша ярашади, кўнгилга сизади. «Авесто» байрами, унда қатнашган ватандошларимиз билан бугунги кунда ҳам ҳар қандай одамни хайратда қолдиради.

Шундай олис даврларда ҳам аждодларимиз ўз қилларини, оиласига меҳрибонлик кўрсатиб, бир-бирига елкадош бўлиб, бошига тушган синов ва ҳаёт буронларини биргаликда енгиш каби фазилатларни улуглаб, уларга амал қилиб яшаганидан таъсирланади киши.

Хурматли ватандошлар!

«Авесто»дай мумтоз асарнинг айнан Хоразмда, бизлар бугун туپланиб турган мана шу заминда дунёга келиши тарихий нуқтаи назардан ҳам, маънавий нуқтаи назардан ҳам, ҳаётий нуқтаи назардан қараганда ҳам табиийдир.

Негаки, бугунги ҳаётимизнинг барча қатламларига хос, хал-

қимиз муқаддас деб билладиган, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонда аънага айланиб қолган, авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган, ҳозир ҳам турмушимизда ҳукм сураётган урф-одатларнинг маъно-мазмунига чуқур эътибор берсак, уларнинг «Авесто»да акс этган тушунча ва қадриятлар билан бениҳоя уйғунлигининг гувоҳи бўлишимиз муқаррар.

Бунинг тасдиғини кўпгина мисолларда кўришимиз мумкин.

Хоразм воҳасининг мураккаб табиати, қишининг изғирини, ёзининг жазирма иссиғи, қаттиқ шамоллари, оғир тупроқ шароити барчамизга яхши маълум.

Мана шундай синовларга бардош бериш, шу заминнинг ҳар бир қарини ўзига азиз билиб, шу юртини гуллаб-яшнаётган фидойи инсонларнинг меҳнатига қойил қолади киши.

Ҳақиқатдан ҳам, мана шундай шароитда нафақат мўл ҳосил етиштириш, балки деҳқончилик маданиятини ҳам юксак даражага кўтариб келаятган деҳқонларни ҳақиқий қахрамонлар десак, бундай баҳо ортиқча бўлмас.

Лекин мана шу тупроқда мураккаб табиий шароит қийинчиликларига чидаб, уларни енгиш яшайдиган инсонларга дунёнинг энг гўзал ўлкаларини мактаб, Хоразмни ташлаб, ўша жойларга бориб яшайсанми, деб сўраса, ишончим комилки, уларнинг барчаси хоразмча қилиб «йўк, бармийман», дейди.

Ва ҳеч қандай тарғиб-ташвиқот билан, аладов-сулдов билан уларни бу фикрдан қайтариб бўлмайди.

Мана сизларга ўз юртини севиш, ўз юртини ардоқлаш, ўз юртига садоқат билан яшаш.

Шунинг учун ҳам Хоразм аҳлининг юрак-юрагига сингиб кетган «Ёт элларнинг боғи билан боғчаси Хоразмнинг янтоғича кўринмас», деган халқ кўшиғи мана шу садоқат туйғусининг ҳаққоний ифодаси, дейсак, айна ҳақиқатни айтган бўлаёмиз!

Муҳтарам юртдошлар! Агар биз Хоразмининг шонли ўтмишини кўздан кечирсак, ватанпарварлик ва юртга садоқат, ботирлик ва фидойилик синга-

ри ўлмас қадриятларнинг илдизи бевосита «Авесто» заминидан қувват олишини кўраемиз.

Ахир, азиз дўстлар, ўзингиз айтинг, ёвга қарши мардона жанг қилиб, қўлида байроқ билан жон берган Нажмиддин Кубро шу юртининг фарзанди эмасми?

Пахламонлар пири деб шуҳрат қозонган, кураш майдонларида кураги асло ерга тегмаган Пахламон Маҳмуд ҳам мана шу замин фарзанди эмасми?

Дунёнинг қарийб ярмини эгаллаган мудҳиш Чингизхон лашкарига қарши ўн бир йил давомида муттасил қаҳрамонларча курашган Жалолиддин Мангуберди шу замин ўғлини эмасми?

Биз Хоразм элининг мана шундай буюк сиймолари ҳақида гапирар эканмиз, ўзимизга бир савол беришимиз табиий. Жалолиддин Мангуберди қанг майдонда ёлғизми?

Агар у ёлғиз ботир бўлганида, душманга қарши кўксини қалқон қилиб қанча курашсанми, Чингизхондай дахшатли ёвни енгиши мумкинми?

Йўқ, у ёлғиз эмас эди, фақатгина минг-минглаб мангубердилар қаторида саркарда Жалолиддин бўлиб майдонга чиқishi мумкин эди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай ботирларни шу ерда яшайётган одамларнинг ўз юртига оташин меҳри, бўқилмас иродаси, мустаҳкам иймон-эътиқоди камол топтириши, бир сўз билан айтганда, бундай қаҳрамонларни фақат мана шундай фазилатлар соҳиби бўлган халқ тарбиялаши, вояга етказиши мумкин.

Ва бундай халқни ҳеч қим, ҳеч қачон ўз танлаган йўлидан қайтарма олмади, бундай халқ ҳеч қимга бош эгмайди ва ўз буюк мақсадларига албатта етади. Бунга ҳеч қимда ҳеч қандай шубҳа бўлмагани керак.

Азиз ҳамюртлар!

Бугун «Авесто» китобида мужассам этилган, бизга қутлуг мерос бўлиб келаётган мана шу ер, мана шу табиат хусусиятлари ва ҳосиятлари ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, одамзот ҳаётининг узвий иқдомини ташкил этадиган маданият ва санъат хусусида гапирмасдан ўтолмаймиз.

Ҳар қайси миллатнинг

ўзига хос қиёфасини белгилайдиган, унинг бетакрор хусусиятларини ёрқин ифода этадиган маданият ва санъатда халқнинг тарихи ва ўлмас руҳи намоён бўлади.

Айнан шунинг учун ҳам замирида асрлар қаъридан келаётган «Авесто» оҳанглари мужассам бўлган Хоразм элининг санъати бутун дунёда шуҳрат қозонган.

Узоққа бормасдан, Хоразмнинг машҳур «Лазги»сини олайлик.

Бу ҳаётбахш кўшиқни эшитган одам жойида тинч ўтиролмайдиган, албатта беихтиёр ўрнидан туриб ўйинга тушиб кетади.

Лекин «Лазги»ни бошқа бирон-бир киши Хоразмнинг йигит-қизлари, ҳатто кекса чоллари, ёшулларига ўхшаб мана шундай маҳорат билан ижро қилиши мумкинми?

Ишонч билан айта оламкин, асло, йўқ.

Сизлар бир-бирингизга «Лазги»га ўйнаб баринг», деб бежиз айтмайсиз, чунки яхши биласизларки, уни ҳеч қим сизлардай ҳаммани лол қолдириб, бошлаб ижро этолмайди.

Хурматли дўстлар!

Бугун маънавий ҳаётимиздаги ушбу улуг санани узоқ-яқиндан келган азиз меҳмонлар иштирокида, халқаро миқёсда нишонлар эканмиз, биз тарихимизни, унинг ёрқин саҳифаси бўлмиш «Авесто»ни қандайдир кўз-кўз қилиш нијатидан йироқмиз.

Биз учун «Авесто» китоби нафақат қадимий тарихий ёдгорлик, нафақат миллатимизнинг ва унга хос бўлган қадриятлар ва маданиятнинг томири минг-минг йилларга бориб тақалишини тасдиқлайдиган тарихий ҳужжат сифатида қадридлидир.

Бу бетакрор асарнинг биз учун аҳамияти - аввало унинг олис-олис даврларда ҳам халқимизнинг миллий хусусиятлари ва фазилатлари, умумбашарий қадриятлар билан доимо узвий боғланиб кетганини исботлайдиган ҳаётбахш манба бўлгани учун ҳам қимматлидир.

Бир сўз билан айтганда, биз бугун янги ҳаёт, янги жамият қуриш ва буюк келажат сари интилиб яшайётган эканмиз, мана шундай манбалар

ўзлимизни англашда, буюк тарихимиздан маънавий озиқ олиб, гурур-ифтихор билан яшашимизда, эртанги Яратганга шукрона айтишимиз, ҳаётдан рози бўлиб, эзгу инсоний қадриятларни ўғил-қизларимизга етказишимиз, уларнинг биздан кўра кучли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари учун интилишимиз, бунинг учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар қилишимиз зарур.

Қадрли ватандошларим!

Ушбу қутлуг санага бағишлаб барпо этилган мана шу кўркам ва бетакрор ёдгорлик мажмуи Хоразм элининг, бугун халқимизнинг «Авесто» сингари бетимсол тарихий обидаларни яратган буюк аждодларимизга бўлган хурмат-эҳтироми рамзидир.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам боғ ва ёдгорлик мажмуини барпо этган қурувчиларга, қўли гул усталаримизга, муҳандис меҳморларга, бу хайрли ишда сиз қилган иштирок этган барча инсонларга самимий раҳмат айтаман.

Халқимизнинг жаҳон цивилизацияси, дунё илму фани ва маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини доимо эътироф этиб келаётган, бугунги байрамни халқаро миқёсда ўтказишга қарор қилган ЮНЕСКО ташкилотига, аввало унинг олис-олис даврларда ҳам халқимизнинг миллий хусусиятлари ва фазилатлари, умумбашарий қадриятлар билан доимо узвий боғланиб кетганини исботлайдиган ҳаётбахш манба бўлгани учун ҳам қимматлидир.

Ва яна бир бор, мана шу майдонда тупланиб турган сиз азизлар орқали барчамизни вояга етказган, барчамизга куч-қувват бераётган халқимизга чин қалбимдан таъзим қилмоқчиман.

(Боши 1-бетда)

жаси ўлароқ, «Авесто»нинг таржимаси амалга оширилди, мақолалар, монографиялар ёзилди. Уларда «Авесто»нинг жаҳон цивилизацияси ва умумбашарий маънавий тараққиётга кўрсатган улкан таъсири, мазкур бебаҳо ёзма ёдгорликнинг фалсафий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-тарихий талқинига оид долзарб муаммолар ҳақидаги янги фикр ва мулоҳазалар ўз ифодасини топди.

Олиб борилган тадиқотлар мазкур китоб айнан ҳозирги Хоразм заминида яратилгани ва ягона тизимга келтирилганини кўрсатиб берди. Шу боис «Авесто»нинг 2700 йиллик тантаналари ўтказиладиган жой сифатида Хоразм заминининг тантаналари табиийдир. Ушбу шодиёналарга тайёргарлик жараёнида Урганчада улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу ерда «Авесто» ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Мажмуа Шовот каналининг қирғоғида бунёд этилган бўлиб, 20 гектардан зиёд майдонни эгаллайди. Мажмуаниннинг асосий марказида меъморлик композицияси бўй-қўйиб турибди. Унинг баландини 18 метрни ташкил этади.

«Авесто» китобини акс эттирган оқ мармардан ишланган ёдгорлик композициянинг таркибий қисмидир.

Урганч шаҳрининг маркази таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Йўллар, кўприклар қурилди, таъмирланди. Шовот канали қирғоғидаги кишининг ҳавасини келтирувчи хиёбон эса халқнинг кўнгил очиб, мириқиб дам оладиган масканига айланди.

«Авесто» ёдгорлик мажмуининг лойиҳасини хоразмлик архитектор Полвонназир Салаев ишлаган.

Давлатимиз раҳбари мажмуа билан танишар экан, бу ерда бунёд этилган ёдгорлик халқимизга буюк тарихини эслатиб туришга хизмат қилса, унинг атрофларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари юртимиздаги тинч ҳаётдан, халқимизнинг аждодлар ўғитига садоқатидан далолат эканини таъкидлади.

Ислом Каримов мажмуа билан танишиш жараёнида хоразмлик бир гуруҳ ёшуллар билан суҳбатлашди.

Оқсоқоллар бугунги кунда нафақат хонадонларимизда тўй-ҳашамлар бўлиб ўтаётгани, балки шундай катта тантаналар уюштирилаётгани, аввало, давлатимиз раҳбарининг одил ва тўғри сиёсати натижаси эканини таъкидлади. Ёшуллар тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги, халқимизнинг бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлгани учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Ён-атрофимиздаги нотинчлик халқимизни тинч ҳаётдан, яратувчанлик қайфиятидан айро этолмаслигини Урганчада улкан тантаналар яна бир бор намоён этди. Шодиёнага тўпланганлар юзидаги хуррамлик, чеҳраларидаги ёруғ кунлар бардавонлигига ишонч элимиз ўзининг бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда яхши ҳордиқ чиқаришга ҳам вақт топаётганини кўрсатиб турибди.

Биз маросимга ташриф буюрганларнинг айримлари билан суҳбатда бўлдик.

Вера Пак - Ўзбекистон Қаҳрамони, Хивадаги 20-сон «Меҳрибонлик уйи» директори:

- Бугунги ажайиб байрамга мен қалбимда мамнулик билан ташриф буюрдим. Президентимиз Ислам Каримовнинг Хоразм элига ташриф буюриб, тантаналарда бевосита иштирок этаётгани бизнинг ўз куч-қудратимизга ишончимиздан, осойишталигимиз барқарорлигини нишонладир. Урганчада барпо этилган ажайиб ёдгорлик мажмуи эса, аввало, халқимизга, инсонларга хизмат қилади.

Бугунги байрамни мамлакатимиздаги барча миллатлар бирдек тантана қилмоқда. Албатта, бу давлатимиз раҳбари олиб бораётган одилона сиёсатнинг натижасидир. Юртимизда байрамлар бир-бирига улашиб кетмоқда. Вазиятдан фойдаланиб, Мустақилликнинг 10 йиллик байрами арафасида меҳнинг камтарона меҳнатини юксак баҳолаб, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан мукофотлагани учун Президентимизга миннатдорлик билдирмоқчиман.

Азимбой Садуллаев - академик:

- Бутун башариятнинг беқиёс маънавий мулки бўлган «Авесто»ни ўрганиш борасида юртимизда улкан ишлар қилинаётгани, бунга шахсан Президентимизнинг ўзлари катта эътибор

бераётгани барча халқимиз қатори биз олимларнинг ҳам кўнгилни шод этмоқда. Юртбошимизнинг илмфан тараққиётга эътиборини фақат қадим меросимизни ўрганишгагина эмас, замонавий фанларни ривожлантириш жабҳасида ҳам чуқур ҳис қилиб турибмиз. «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган бугунги тантаналар маданий-маърифий, маънавий камолатимиз сари ташланган қадамларимизнинг узвий бир қисмини ҳисобланади. «Авесто»дай ноёб китобни ўқиб-ўрганиш халқимизнинг бой тарихи, давлатчилиги асослари, урф-одатлари, қадриятларини англашда жуда қўл келади.

Собиржон Махмудов - Хива шаҳри «Сангар» фуқаролар йигини раиси:

- Урганчада ўтаётган байрам тантаналари юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сураётганини кўрсатиб турибди. Халқимиз бунёдкорлик, яратувчанлик, тинч ҳаёт йўлидан оғишмай бораверади. Чунки бизнинг тарихий илдиэларимиз бақувват, элимизнинг ўз осойишталигини сақлашга бўлган матонати мустаҳкам.

Бундай шукроналик сўзларини тантана ишторкчиларининг ҳар биридан, қолаверса, барча юртдошларимиздан эшитиш мумкин. Бинобарин, тинчлик, осойишталик мавжуд бўлган юртгагина тўптомоша ярашади, кўнгилга сизади. «Авесто» байрами, унда қатнашган ватандошларимиз билан бугунги кунда ҳам ҳар қандай одамни хайратда қолдиради.

Шундай олис даврларда ҳам аждодларимиз ўз қилларини, оиласига меҳрибонлик кўрсатиб, бир-бирига елкадош бўлиб, бошига тушган синов ва ҳаёт буронларини биргаликда енгиш каби фазилатларни улуглаб, уларга амал қилиб яшаганидан таъсирланади киши.

Хурматли ватандошлар!

«Авесто»дай мумтоз асарнинг айнан Хоразмда, бизлар бугун туپланиб турган мана шу заминда дунёга келиши тарихий нуқтаи назардан ҳам, маънавий нуқтаи назардан ҳам, ҳаётий нуқтаи назардан қараганда ҳам табиийдир.

Негаки, бугунги ҳаётимизнинг барча қатламларига хос, хал-

«ДЕЛАРОС»НИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ

Қувасойдаги Ўзбекистон-Америка «Деларос» қўшма корхонасида янги ишлаб чиқариш тармоғи фойдаланишга топширилди.

Хозир корхонада бир кеча-кундузда 5 тонна электрод ишлаб чиқарилмоқда. Янги тармоқ тўла ишга тушган, маҳсулот ҳажми тенг баравар ортади. Корхонага Москва шаҳридаги «Ротекс» фирмаси хомашё етказиб бермоқда.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, янги ишлаб чиқариш тармоғининг ишга туширилиши мамлакатимиз қурилиш тармоқлари учун зарур бўлган электродлар таъминотини яхшилайдди. Шу пайтгача бу маҳсулот четдан олиб келинар эди.

Қувасой электродлари юқори сифати билан мижозларга маълум бўлмоқда. Янги ишлаб чиқариш тармоғининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, бу ерда чиқинди сиймалардан турли ҳажм ва ўлчамда михлар ҳам тайёрланмоқда. Янги тармоқда 70 дан ортиқ маҳаллий ёш иш билан таъминланди.

Келгусида сантехника маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳам режалаштириямиз, дейди қўшма корхона бошқаруви директори Собитжон Куртбединов. - Бу тармоқни ҳам ишга тушириб олсак, йилга 200 минг комплекта сантехника жиҳозлари тайёрлаймиз.

(ЎЗА).

Жиззах туманидаги У.Хотамов номли жамоа ҳўжалиги худудиде фаолият юритаётган «Саховат» фермер ҳўжалиги аъзолари етти гектар ердаги бугдойдан мўл ҳосил етиштирдилар. Йил бошида тайёрловчи идора — Жиззах ун жамоа корхонаси билан тузилган контракция шартномасига фермер

Контракция шартномаси қандай бажарилмоқда?

ниб, режадан ортиқча қолдирилган галлани Жиззах туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги

ФЕРМЕР ҲАҚИ

натура тарзида ундирилди

ҳўжалиги раҳбари Ш.Бердикулов юридик шахс сифатида имзо чекиди. Ушбу шартноманинг 1-бўлими, 1-бандига кўра 8 тонна прейскурант нархда, 8 тонна эркин нархда, жами 16 тонна дон етказиб бериш қайд этилди.

«Саховат» фермер ҳўжалиги фидойилари вақтдан, ички имкониятлардан унумли фойдаланишди. Вақти келса ҳашар уюштириб, галлазорларга маҳаллий ўғит ташиб келтиришди. Натижа чакки бўлмади. 5 июн куни тadbиркорлар 16.380 килограмм галла топшириб, шартнома шартларини ортиғи билан бажардилар. Орадан бироз вақт ўтган, кутилмаган воқеа содир бўлди. Фермер ҳўжалиги раҳбарининг далада йўқлигидан фойдала-

ди, баъзи идора, ташкилотларнинг раҳбарлари тadbиркорни қўллаб-қувватлаш, улар меҳнатини юзга чиқаришга яқиндан кўмаклашиш урнига йўлгина суъий тўсиқлар қўйишди. Юқоридаги каби қонунга зид иш қилишга ётганлигини эслатсангиз, саволжавобдан ўзларини олиб қочишга уринишади.

«Саховат» фермер ҳўжалиги раҳбари содир этилган қонунсизлик юзасидан қатор идораларга учрашса-да, дастлаб натижа чиқмади. Шундан сўнг ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат этди. Мазкур бошқарма тadbиркор манфаатини кўзлаб, Жиззах ун жамоа корхонасини ҳўжалик судига берди. А.Қаҳҳоров раислигиде бўлиб ўтган суд ҳақиқатни қарор топтирди. Давво ариза қаноатландирилди. Жиззах ун жамоа корхонаси ҳисобидан «Саховат» фермер ҳўжалиги фойдасига 13.020 кило галла натура шаклида ундириб берилди. Давлат божи, почта харажатлари тўлиқ жавобгар — корхона ҳисобидан тўланадиган бўлди.

Х.ИБРАГИМОВ, Жиззах вилоят адлия бошқармасининг етакчи мутахассиси.

МЕБЕЛ КЕРАКМИ, МАРҲАМАТ

«Шахрисабзмебел» акциядорлик жамияти ўз маҳсулотларини Россияга экспорт қила бошлади.

- Ҳозир парта, доска, китоб жавонлари, кийим-кечак илгичлар ва чиройли шкафлар ишлаб чиқарилмоқда, - деди жамият раиси Қаҳрамон Исмоилов «Туркестон-пресс» мухбирига. - Мебелларимизнинг кўриниши, сифати хорижикидан қолишмайди. Шу боис нафақат ички бозорга, балки беш хил мебелларни Россияга ҳам экспорт қилаямиз.

Қ.Исмоиловнинг айтишича, россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорлик корхона учун катта наф келтирди. Аввало мебелбоз ёғоч таъминоти масаласи ҳал этилди. Сўнг ишлаб чиқарилган маҳсулотни валютага сотиш, шу орқали мўмайгина даромад кўриш имконияти туғилди.

- Шу бир йил ичида ишлаб чиқариш бир ярим баробар ортди, - дея сўзини давом эттирди корхона раҳбари. - Натижада 22 нафарга мўлжалланган янги иш ўринларини очдик.

Қаҳрамон Исмоилов россиялик ишбилармонлар мебелсозларга мактаб жиҳозлари тайёрлаб бериш бўйича янги буюртма беришганини таъкидлади.

- Сифат ва яна сифат. Бугун бутун диққат-эътиборимиз шунга қаратилган, - деди сўзининг якунида Қ.Исмоилов.

